

«ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУННИНГ 9 ЙИЛЛИГИГА

Бундан роппа-роса 9 йил олдин «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Бу Қонун аҳамияти ҳақида ҳар қанча ёзса ҳам оз. Айнан ўзбек тилига давлат мақоми берилгандан сўнггина ўзлгимизни англашга кенг йўл очилди. Бой тарихий ва маданий меросларимиз, миллий анъаналаримиз тиклана бошланди. Эндиликда ўзбек тили миллий мафкурамизнинг ажралмас тарқибий қисмларидан бири, мустақиллигимизнинг бош белгиси бўлиб қолди.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун замон талабларидан келиб чиққан ҳолда 1995 йил 21 декабрда янги тақрирда қабул қилинди. Янги тақрирдаги Қонуннинг 9 ва 10-моддаларида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилиши, ишловчиларнинг қўчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам амалда оширилиши мумкинлиги белгиланди. Амалда қўлланиладиган бу Қонун МДХ мамлакатлари орасида энг демократик Қонунлардан бири бўлиб, унда республикамизда яшаётган барча турдаги миллат ва элат-

Хар йили 21 октябрда ўзбек тили қуни байрам сифатида ўтказиш яхши анъанага айланган. «Ўзбек тили — Давлат тили» бурчаги ташкил этилган. Бурчак деворий газетасида қўлга киритилаётган ютуқ ва қамчиликлар мунтазам ёритиб борилади. «Ўзбек тилини ўрганамиз» курслари қайта тикланмоқда. Русийзабон ходимлар орасида тегишли тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

«Одоининг боши — тил», дейди халқимиз. Яқин-яқингача Меҳнат вазирилик тизимида, жумладан туман Меҳнат биржаларида барча турдаги иш қозғалари нодавлат тилида олиб бориладиган қиёини ажаблантирди. Бу ҳолат «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш Республика комис-

Болалигимни эслайман. Эртақ эшитишга жуда ҳам ишқибоз эдим. Гўзал, минг йил яшаса ҳам қаримайдиган парилар, тоғни уриб талқон қиладиган пахлавонлар, жаннат мисоли боллар, бирдан бири меҳнатқаш, қалби пок инсонлар ҳақидаги эртақларни нафасимни ичимга ютиб тинглардим. Отам раҳматли ҳатто девларни, жинларни, ялмоғизларни ҳам шунчалик тасвирлардики, бир неча кун тасаввуримдан ўша махлуқлар ўчмасди. Ўзи деҳқон, лекин сўзни заргарона ишлатадиган отамнинг сўз бойлигига ҳавасим келарди.

— Бу эртақларни фақат ўзбекча, ўзбек тилида айтиш керак, — дер эди отам раҳматли.

Бугун ўзбек халқ эртақларини ўқиб туриб, отам қанчалар ҳақиқатни айтганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Тилимизнинг таърифсиз гўзаллигига, билмадим нечанчи марта экан, иймон келтирдим.

Она тилим! Ҳатто сувнинг шовуллашини, шамолнинг гувуллаши, булбулнинг қақ-чақини ҳам ифода этаётган, қозғога ёза оладиган она тилим! Сен худди самандарсан. Хар бир фарзандининг қалбига гўзаллик, тилига гурур тўла сўзларни солсан.

Дейдиларки, ўтган замонларда бир йигит бор экан. У каттани катта, кичкин кичик демас экан. На гўзалликларни, на гўл-ғибҳларни писанд қилмас экан. Унинг бу қилиқларидан безор бўлган аҳли маҳалла донишманднинг олдида маслаҳатга боришди.

— Онаси бор эканми? — дебди донишманд ўйлаб туриб.

— Йўқ, йигит туғилганда ҳаётдан кўз юмган экан, — дейишди унга одамлар.

— Демак, ҳеч ким унга алла айтмаган, — дебди донишманд, — алла билан, она тили билан айтилган алла билан боланинг қалбига

қўшиққа тўлсин!

Она тилим!

Бугун сенинг олий мақоминг Қомусимизда ҳам белгилаб қўйилган. Бугун жаҳоннинг барча бурчакларида ўзбек тили — бу Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Алишер Навоий, Ҳазрат Ясавийлар тили эканлигини биладилар, эҳтиром қиладилар. Ўзбек тили — энг ажиб гўзалликлар яратувчи тил эканлигини эътироф этадилар. Дилбар шеърлар тили, аҳойиб қиссалар тили, дўстлик ва тинчлик тили эканлигини фахр билан айтадилар.

Ота тилим!

Сени Самандар дедим. Сени бўғовга олдилар, бўғилмадинг. Халқнинг қалбига булоқдек қайнаб турдиган, кўзларимизда шуъла бериб порладиган. Сени ўтга ташламоқчи бўлдилар — ёнамадинг. Энг эҳтиросли сўзларинг билан ҳатто энг муз дийдаларни ҳам эритиб юборишга қодирлигингни ифода этдинг.

Она тилим!

Бугун кўчаларимиз номида, хату хабарларда ўзинг жаранглаб садо берясан. Бугун ҳар қандай халқнинг тили сингари қадимий эканлигинга, жаҳон маданиятига ўлмас-ҳазиналар тортиқ қилганига, қилаётганига, юртимнинг байроғи, мадҳияси, тугроси сингари эзгу эканлигига шохид бўлиб турибдилар.

Она тилим!

Энг яхши сўзларимга берган сайқалинг учун сенга таъзим! Худди гулзордаги гуллардек товланиб туришинг мангу бўлсин! Халқимни бахтидан, истиклол берган буоқ тахтидан сўзлаб, мангу жарангла!

Темур УБАЙДУЛЛО.

МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

ларнинг она тиллари сақланиши ва уларнинг тўлақонли ривожланишига шароит яратиб берган. Шу билан бир қаторда «Давлат тили ҳақида»ги Қонунимиз жамиятимиз оқсийшгаги намунаси ҳамдир.

Республика бошқарув органлари, ҳокимиятлар, барча корхона ва ташкилотлар янги тақрирдаги Қонунни амалга татбиқ этишга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалга оширилишини таъминлаш Давлат дастури» ҳақидаги 311-сонли қарори асосида иш олиб бормоқдалар. Ўшбу қарорнинг қиммати шундан иборатки, унда Қонун ижросининг таъминланишига оид барча чора-тадбирлар аниқ белгиланган. Қарорга кўра Қонун ижроси таъминланишига оид барча чора-тадбирлар 2003 йилгача якунлашиш кўзда тутилган. Бундан келиб чиқадиган асосий вазифа шундан иборатки, 2005 йилгача барча турдаги фаолият давлат тилида бўлишига тўлиқ таъминланган бўлиши керак. Урни келганда шунга ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, айрим фуқаролар 2005 йилгача ҳали анча бор, деган фикрдан йироқлаша олмаётган. Бундай қалғитма фикрларга Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини амалга татбиқ этиш Давлат дастури чек қўйди. Ўшбу дастурга кўра иш юритиши, ҳужжатшунослиқни ва муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги ўзаро бандиқларини давлат тилига ўтказиш, норматив, қўлланма материаллар, статистика ва молиявий ҳисоб-китоб шакллари, бланкалар ва бошқа ҳужжатларни давлат тилида нашр этишни 2003 йилгача якунлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг, корхона ва муассасаларнинг расмий мухрлари, штамплари, бланкаларини 1998 йилгача давлат тилида бўлишига таъминлаш, 1999 йил эса барча преискурентлар, лавҳалар, нарх қўрсаткичлари, ёрлиқлар, йўриқномалар давлат тилида, зарур бўлган ҳолларда бошқа тилларда бўлишига қўрсатилган.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга жорий этиш ҳақидаги Давлат дастури асосида шахар ҳокимлиги томонидан ўз вақтида тегишли қарорлар қабул қилиниб, унинг ижроси мунтазам назорат қилиб турилибди. Биргина шу йилнинг ўзида Қонун ижросига бағишланган 6 та йилгили бўлиб ўтди. Қонун ва Давлат дастури ижросини мувофиқлаштирувчи шахар ва туман Давлат тили комиссиялари фаолият қўрсатиб келмоқда. Деярли барча корхона ва ташкилотларда ишчи гуруҳлари тўзилган. Жойларда давлат тилини ўрганишни ҳодовчилар учун ўзбек тили курслари мавжуд. Ўшбу курсларда тинловчилар бепул ўзбек тилини ўрганишмоқдалар.

Жумладан, бундай курслар «Тошкентўйжойинвесткор» корпорациясида анча яхши йўлга қўйилган. Корпорация ҳолида фаолият қўрсатаётган «Ўқув маркази»да давлат тилини ўрганишни ҳоҳловчилар учун ўқитиш ташкил этилган. Корпорациянинг марказий бошқарув аппарати ҳамда унинг қўйи ташкилотларида ишловчи ишчи ва хизматчиларнинг маълум миқдори русийзабон фуқаролар бўлганилиги учун ҳисоб-китоб ишлари ҳамда тегишли қўлланма ва қўрсатмалар давлат тили ва вақтинча рус тилида бажаришмоқда.

«Тошкент»он» ишлаб чиқариш уюшмаси 1996 — 97 йилларда «Маърифат» халқаро ташкилот билан ҳамкорлик қилиб русийзабон ишчи ва хизматчиларини давлат тилига ўқитган. Уюшмага қарашли 54 та корхона ходимлари ва раҳбарларини ўқитиш бўйича режалар белгиланган. «Тошбозортайёров-савдо» уюшмаси ишчи давлат тилида олиб бормоқда. Буйруқ ва қўрсатмалар давлат тилида тайёрланиб, ижрочиларга етказилмоқда. Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси шу йилнинг 7 июлида бўлиб ўтган ўз кенгайтирилган кенгашиши «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга татбиқ этиш масаласига бағишланди. Тизимда учраб турадиган баъзи кам-қўстарини бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланган, уни амалга ошириш учун киришди. Қонунни амалда жорий этишга «Тошкентметр-политени»да ҳам алоҳида эътибор қилинмоқда. Қонун белгиланган доирада иш қозғалари асосан давлат тилида олиб боришмоқда. Метро, бекатларида барча ёзувлар, қўрсаткичлар, лавҳалар давлат тилига ўтирилди.

сияси томонидан танқид қилинди. Баъзан учраб турадиган бундай ҳолатларни кўриб ҳайрон бўлади киши, тегишли Қонун, қарорлар бўлса, оммавий ахборот воситалари орқали давлат тилининг аҳамияти ҳақида мунтазам чиқишлар бўлиб туради, нега Қонун талаблари бу тизимга кириб бориши қийин бўлди, деган савол туғилиши табиий. Бу муассаса раҳбарларининг эътиборсизлиги ва лоқайдсизлигидан бошқа нарса эмас. Соҳада иш шу даражада қўйиб қўйилганки, ҳатто рус тилини яхши билмайдиган маҳаллий миллатга мансуб ходимлардан ҳам шўро замони қаби рус тилида арзилар, тақлифлар олинган.

Афсуски, имкон туғилган захоти ўзаро ёзмашларни рус тилида олиб боришга ҳаракат қилаётган бундай ташкилотлар ҳали ҳам учраб туради. Бу бир томондан амалдаги Қонун ижросига лоқайдлик бўлса, иккинчи томондан бундай салбий ҳолатлар олдини олмаган корхона раҳбариятининг маънавиятсизлигини англатади. «Давлат тили ҳақида»ги Қонун буйруқлар билан эмас, балки виждон амри билан баҳариландиган Қонундир.

Тил — миллатнинг юксак бойлиги ва бебаҳо мулкидир.

Шу йўсинда шахар халқ таълими тизимида олиб борилаётган ишлар ибратлидир. «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга татбиқ этиш тизимининг бош вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Давлат тилини ўрганиш, ўқитишга оид турли қўлланмалар, ахборотлар тўплами, илгор мактаблар тахрибаси мунтазам чоп этиб келинмоқда. 100 дан ортиқ мактаб номлари ўзгаририлди. Рус мактабларида ўзбек тилидан дарс берувчи ўқитувчилар учун 15 фойз қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилган. Хар йили «Ўзбек тили қуни»ни барча мактабларда байрам сифатида ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Ўзбек тилига бағишланган олимпиадалар ўтказилмоқда.

Халқ таълими бош бошқармаси ўзбек тили ва адабиётига оид қўлланмаларни ишлаб чиқиш учун «Ижодий гуруҳ» ташкил этган. Ўшбу гуруҳ I—XI синфлар учун дастур ва дарслиқлар яратишда фаол қатнашмоқда. 1992 йилдан бошлаб мунтазам шахар бўйича «Ўзбек тилини ўрганамиз» қўриқлановлари ўтказилмоқда. Бир неча йиллардан бери «Жонли тил» телекурсути мактаб ўқувчилари орасида катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Русийзабон мактаб ўқувчилари ўртасида ҳар йили «Ўзбек тили» олимпиадалари ўтказмоқда. 1997/98 ўқув йилида 103-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Н. Нурушова ўзбек тили бўйича республика олимпиадасининг ғолиби бўлди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериладиган оидин шахардаги рус мактабларида ўзбек тили дarsi 544 соат бўлган бўлса, эндиликда у 884 соатга ташкил этилмоқда. Ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт дarsi олдин 2346 соат бўлса, ҳозир у 2720 соатга кўпайди. Русийзабон мактабларида ўзбек тилини қўқур ўргатувчи мактс синфлар ташкил этилиши оммалашиб бормоқда. Бу мактабларда ҳафтада бир марта «Ўзбек тилида гаплашамиз» шорири остида ўзбек тилида гаплашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ободонлаштириш бош бошқармаси, Меъморчилик ва шахар қурилиш бош бошқармаси, Ижтимоий таъминот бошқармаси, «Тошхазар» бирлашмаси, Ички ишлар бош бошқармаси, Ақлия бошқармаси, Давлат солиқ бош бошқармаси ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларда «Давлат тили ҳақида»ги Қонунга бўлган ҳурмат ва эътибор кишини қувонтирмай қолмайди. Бу ташкилотларда давлат тилида иш олиб бориш, ўзбек тилини билмайдиган русийзабон фуқароларни ўқитиш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Қонунни бажариш, унинг ижросини таъминлаш нафақат корхона ва ташкилотларнинг иши, балки ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шундай экан, жамиятимизда давлат тили устувор бўлишига тўла маънода эришишимиз ҳамда миллат гурури ва ифтихори бўлган давлат тили миллий маънавиятимиз кўзгуси эканлигини ҳар қадам, ҳар соатда ёдда тутмоғимиз лозим.

Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ,
«Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга татбиқ этиш шахар комиссиясининг масъул котиби.

Бугунги кунда ўзбек тилига бўлган муносабат кескин ўзгарибди. Бунини мактаб ва мактабга тарбия муассасаларида болаларга ўзбек тилидан чўқур билим бериш жараёнидан ҳам билиб олса бўлади. Ҳусусан, Мирзо Улуғбек туманидаги 50-гимназия-мактабда ўқитиш тизими — таълим-тарбия ишлари рус тилида олиб боришга ҳам ўзбек тили дарсларига алоҳида эътибор қаратилган.

— Гимназиямиз физика-математика фанлари

йўналишида бўлсада, худди шу фанлар қатори ўзбек тилидан ҳам болаларга чўқур билим беришга ҳаракат қиламиз, — дейди ўзбек тили фаши ўқитувчиси Райхона Восиева. — Ўқувчилар ўзбек

лаштиришларида, уларнинг талаффузини раван бўлишини таъминлаш мақсадида талабчан ўқитувчи Райхона Восиева ахборотномалардан, турли хилдаги тарқатма материаллар, сурат ва

ҳам давлат тилини пухта ўрганишларидаги асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилаяпти.

Райхона Восиеванинг русийзабон ўқувчиларга ўзбек тили сабоқларини мукаммал

Таълим

ВАТАН ТУЙГУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИБ

тилини ўрганиш билан бир қаторда уларнинг қалбиди-ги элу юртга бўлган муҳаббатлари янада ортиб, Ватан туйғуси мукаммал шаклланиб боради.

Ха, ўқувчиларнинг ўзбек тилини имкон қадар тўла ўз-

киноленталардан унумли фойиланиб келмоқда. Шунингдек, шу кеча-кундузда шахримизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлар хусусида болалар томонидан ўзбек тилида пухта фикр билдирилаётганлиги

ўргатишда устози Нозик Миралиевадан олган маслаҳатлари бугунда ўзининг самарасини бераётти. Айнан мана шу масканда ўзбек тилини ўрганган ўқувчилар олий ўқув юртиларида ҳам бемалол ўзбек тилида муомалага ки-


риш кетаётганлиги боис ўз устозларига миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Ха, «Тил билган — эл биллади», деб беҳиз айтилган. Ўзбек тилини мукаммал ўрганаётган бу гимназия ўқувчилари нафақат тилини, балки ўзликни, бой тарихимизни ҳам айнан мана шу ўзбек тилида ёзилган манбалар асосида билиб, юрт келажагини яратишга мустаҳкам замин ҳозирлайдилар.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА,
СУРИТЛАРДА: 11-синфда

ўзбек тили дарсини Райхона Восиева олиб бормоқда; шу синф ўқувчиси Эвелина Заяц.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Тўғри, бу борада республикамизнинг вилоятларида, шахар ва қишлоқларида ижобий ва ибратли ишлар олиб борилаётганлиги шубҳасиз, ҳаммаимизни қувонтирибди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили сифатида ўзбек (она) тилининг тараққиёти учун кенг йўл очганилиги, ўзбек тили таълим тизимининг барча бўғинларида ўқитила бошланганлиги, ўзбек тили дарс саотларининг бирмунча кўпайтирилганлиги, республикамизнинг барча худудларида жой номларининг янги-гина, миллий руҳда аталаётганлиги ва уларнинг тартибга келтирилганлиги, инсоний ва миллий қадриятларининг мустаҳкам тикланиб қилиниши ва улarga қатъий амал қилинаётганлиги, ўтмиш тарихимизга тўғри баҳо берилаётганлиги ва уларни ўрганиш, қўлаверса барча давлат бошқаруви идора иш қозғаларини Давлат тили — ўзбек тилида юритилаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Ҳозирда пойтахтимиз — Тошкент шаҳрини ўзбек маънавияти қўриқхонаси, деб беҳиз айтишмаёпти. Ҳақиқатан ҳам, шу кунларда бозор паттачиларидан тортиб, барча транспорт ҳайдовчилари, кондукторлари, савдо шохобчалари-ю тибийот ходимлари ҳамда маданий-маиший хизмат ходимлари ўзбек тилини, ўзбекча сўзлаш ибораларни яхши билаётганликлари, нисбатан ўзбекчона, тўғри талаффуз қилишга ҳаракат қилаётганликлари қувонтирибди.

Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун мазмун-мундарижаси билан республикамиздаги турли миллат вакилларини янада жипслаштиришга, миллатлар ҳамдўстлигини мустаҳкамлашга хизмат этади.

Ўтган давр ичида қўлга киритилган ютуқларимиз билан бир қаторда, ҳали «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг тўлиқ бажарилишида нуқсонларимиз ҳам йўқ эмас. Айрим корхона, ташкилот ва муассасаларимизнинг Давлат тилига диққат-эътиборлари талаб даражасида эмас.

Бирор чет (хорижий) тили (инглиз, немис, испан, француз тили)ни уч ва олти ойлик жадаллаш-

тирилган курсларида жиддий эътибор бериб ўрганилаётган бираварда, бир йиллаб ўзбек тилини ўқиб ўрганаолмаётган, ўз фикрини эркин баён эта олмаётганларнинг ўқимишли, зиёлилар орасида ҳам учраётганлигига нима деса бўлади? Шунингдек, айрим техника олий ўқув юртиларида ўзбек тили кафедраси очилди-ю, бир-икки йил ўтар-ўтмас, «штан»лар қисқартирилиши баҳонаси билан ўзбек тили ка-

шундаки, бундай ахволни қўрамир-у, индамаймиз.

Матбуот саҳифаларида, радио ва телевидение эшитиришларидаги рўкнларини «Тилга эътибор» эмас, тўғридан-тўғри «Ўзбек тилига эътибор...», «Тил муаммолари» эмас, балки «Ўзбек тили муаммолари», «Тил — маданият кўзгуси»дан кўра, тўғридан-тўғри «Ўзбек тили — миллий маданиятимиз кўзгуси», «Ўзбек тили маданияти ва одоби» деб ном-

ниши мақсадга мувофиқдир.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қўчилиги бандлари бажарилаётган ҳозирги даврда бирор жой, янги дўкон ёки ташкилот номларини, шунингдек, қўча-қўйдаги шорларни икки тилда (ўзбек ва рус тилида) ёзилаётганлиги ўринлимикин? Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Миллий Банки» номли бирикмаси рус тилида «Национальный банк Узбекистана» тарзида шахарларимизнинг қўлгина нуфузли ва ҳашаматли биноларидан бўлган йирик банк пештоқида янги ўзбек лотин алифбосида «NB!» дейилишининг ўрнига янги ўзбек лотин алифбосида «O'zMB» шаклида ёзилиши тўғридир.

Бизнингча, Давлат тилидан бошқа тилда ёзилишига ҳеч қандай зарурий эҳтиёж йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чўнки Ўзбекистон Республикасида Давлат тили биттадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-бандида қўрсатилганидек, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили — ўзбек тилидир».

Ўзбек адабий тили лугат таркибидида фаол қўлланиб келинаётган русча-байналмилал сўзлар, атамалар билан бир қаторда, янгидан қашф этилган туркий сўзлар ҳам ишлатилаверилса, одил ҳакам — вақтинчи ўзи сарагини саракка, пучгани пучакка ажратиб олади. Шунингдек, атамаларни ўзбекчалоштиришда шовша-шовшалikka йўл қўймаслик керак. Шундай қилиш зарурки, янги атамаларни халқ эркин қабул қилсин, унга тушунарли бўлсин.

Ўзбек миллий маданиятимиз, маънавиятимиз кўзгуси ҳисобланган она тилимизнинг раванлиги йўлида, тақомиллашувда қатъий фаоллик қўрсатишда республикамизнинг барча фуқаролари масъулдилар. Дано халқимиз она тилимизнинг жаҳон минбарига жаранглаб туришини истади. Тилимиз бойиса, дилимиз бойиди, маданиятимиз, маънавиятимиз юксалади. Ахир «Тилини севган — элини севади», деб беҳиз айтишмаган.

Сунатулло РИЗАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ БЕЛГИСИ

Давлат қонунни амри вожиб. Унга, албатта, амал қилишимиз шарт. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми беришга ҳақидаги Қонун қабул қилинганга йилма-йилга тўққизинчи йил кетяпти. «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш борасида қилинган ишлар биз орау қилгандек натижалар беряптими?

федрасини чет тиллар ва рус тили қалбидида қўшиб юбордилар. Ажабланидиган томони шундаки, улар гўё уларини оқламоқчи ҳам бўлишди, «Бизда ҳам ўзбек тили авалдагидек ўқитилаверилмади», дедилар. Аслида, барча олий ўқув юртиларида ўзбек тили кафедраси қайта тикланиб, мустақил ҳолда жиддий фаолият қўрсатиб ишлаши давр талабидир.

Ханузабча баъзи корхона ва ташкилотларда, бошқармаларда иш қозғаларини рус тилида юритмоқдалар. Уларнинг фикрича, тайёр ўзбекча иш юритиш варақалари етиб келганича йўқ эмиш...

Айрим идоралар раҳбарлари қабулхоналаридаги қотиблар ўзбекча матнларни машинашашлари у ёқда турсин, ҳатто оддий саломлашиш, «Ассалому алайкум», «Келинг», «Марҳамат» дейишни ҳам билмайдилар. Ваҳоланки, маданиятликлик, маънавиятликлик тилда ҳам намоён бўлади: «Тил — маънавият кўзгусидир». Таажжубланидиган томони

лаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бунини ҳам ўқитириш жоизки, кенг жамоатчиликка сингиб, ўзлашиб кетган қўлгина русча ёки рус тили орқали кирган, аллақачон ўзлашиб кетган чет тили сўзларини тушуниш қийин бўлган бўлса, форсча сўзлар билан алмаштириш ҳам ўринсиз, деб ўйлаймиз. Бу билан халқимизни қийнаб қўямиз. Ўзбек тилининг ўз сўзига айланиб кетган, ҳамма учун тушунарли бўлган сўзларни «Ўзбекчалоштириш» мақсадага мувофиқ эмас.

— Энди пайдо бўлган нарсаларни аташ, улarga термин танлашда ўз тил ёки ўзга тилга оид сўзни қўлланаш масаласи, — дейди профессор Азим Ҳожиёв, — бошдадек баъзилар қатъий ҳал этилиши керак. — Бу нарсани ифодадай оладиган сўз ўз тилидан топилса ёки янги сўз яратиш (ясаш) имкони бўлса, ана шу сўз қўлланиши, акс ҳолда шу тушунарли ифодачиси бўлган ўзга тилга оид сўз

Олий ўқув юртлирига ёшларни тест синовлари усулида қабул қилиш тобора ривож топиб бормоқда. Мана бу йил ҳам ёшларнинг энг ик-тидорлилари талаба деган номга эришиб олий даргоҳларда тахсил қўришмоқда. Уларни танлаб олишдаги бу йилги янгиликлар ҳусусида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Мухсинжон Муҳиддинов билан суҳбатлашдик.

— Мухсинжон Мўминов, бу йилги тест синовлари аввалгиларидан нимаси билан ажралиб турди?

— Бизнинг энг юксак вазифамиз асосан болаларнинг билимига юқори савияда, юқори аниқликда, адолат мезонида баҳо бериш. Шу йўлда биз кенг компьютер технологияси ёрдамида фойдаландик.

Бугунги кунда автоматлаштирилган тест жараёни тўлиқ муҳассам этилган. Яна бир нарсани айтишимиз керакки, чет давлатлар билан таққослаганда бизни давлатимиздаги ўқшаш ёшларнинг ўқишга интилиши ҳеч қайси давлатда йўқ. Масалан, у ерларда бир ўринга 2—3 та, узоғи билан 4—5 та бўлса, бизда эса 1 ўринга 7 тдан то 25 тагача талабалар бўлади. Яъни 60 минг тест саволидан компьютер ўзи белгиланган алгоритмда катта теълика кетма-кет вариантларни тузиб, олий ўқув юртлирига таълим йўналишлари ва тил бўйича аудиторияларга ва абитуриент гуруҳларга ўзи тақсимлаб чиқади. Кейин аудиториялардан қайтган жавоб варақчаларини махсус оптик электрон қурилмалар ва улар билан болганган компьютерлар ўқиб ҳар бир абитуриентнинг олган балларини ўзи ҳисоблаб чиқди. Қўриб турибсизки, бу жа-

тисодий муносабатларда, халқаро ҳуқуқда, роман-герман факультетида, шарқ филологияларида, тиббиёт соҳасида ўтти бали юқори бўлди. Бунақанги юқори балл ҳеч қачон бўлмаган. Болаларимизнинг ўқишга интилиши, тайёргарлиги юқори даражада. Бизнинг ёшларимиз бугунги кунда таълим устивор йўналиш деганда энг катта

ришимиз, тестларни бир неча маротаба тақриздан ўтказишимиз, булар ҳаммаси адолат тарозини юқори савияга олиб чиқишимизга ёрдам берди. Бу йил олий ўқув юртлирига 151 минг одам ҳужжат топширган бўлса, грант бўйича 21 минг, контракт бўйича 21 минг талаба ўқишга қабул қилинди.

— Ота-оналарда ўқувчиларда тест варақасининг жавоби чиққач норозилик туғилганда апелляция комиссияси тузилдими?

— Чет давлатлар — Туркияда, Америкада ҳам апелляция йўқ. Тест маркази мукаммаллаштирилган жавобларни текширган. Компьютер технологиясига тўлиқ асосланган тест республикамиз мутахассислари билан ишлаб чиқилган. Тест жорий қилинган ҳеч бир мамлакатда апелляция бўлмасида, бизда 70 йил давомидаги баъзи нотўғри ишлар ота-оналарнинг юрагида гумон қолдиришни ҳисобга олиб қандайд бўлмаси ҳам биз ота-оналарга шундай имконият яратиб бердик. Мустахассислардан махсус комиссиясиз тузиб, ёшларга ўзи тулдирган жавоб варақасида йўл қўйган хатоларини тушунтирдик.

Умуман бу йил ўқишга кирганларнинг 50 фоиздан кўпроги илгари йил мактабни битирганлар. Улар 1 йил давомида пухта тайёргарлик кўрганлар. Шунинг учун мен ўйлайманки, бу илм мусобақаси, интеллектуал билими болаларнинг мусобақаси. Бу ерда ҳеч қанақа ўқиниш керак эмас, бу йил киролмаганлар йил давомида пухта тайёргарлик кўрсалар, ажабмаски кейинги йил уларга ҳам омад қилиб босса...

Мухайё МИРСАЙДОВА суҳбатлашди.

АДОЛАТ МЕЗОНИ

раён компьютер технологиясига асосланиб юқори даражада, ҳолисликни таъминлайди. Бу афзаллик тарафлари.

— Қайси олий ўқув юртлирига танлов юқори бўлди?

— Биз ҳуқуқий давлат кураётганимиз боисидан ҳуқуқшунослик ва иқтисодга юқори танлов, яъни бир ўринга 10—12 та бўлди. Журналистлар меҳнати қанчалар машаққатли бўлмасин, шу соҳа одамларига катта эътибор берилаётгани учунми ёки бугунги кунда халқимизнинг онг ва тафаккурини ўзгартиришда хизмат қилишни хоҳлаганлар кўп бўлгани учунми журналистикада ҳам 1 ўринга 9,5—10 та талабалар бўлди.

Бу катта танлов энг ик-тидорли болаларни танлашга имконият берди. Кичик танлов, яъни 1 ўринга 2—3 та одам бўлса, иктидорли болаларни танлаш қийин кечарди. Танлов юқори бўлгандан кейин ўттиш бали ҳам бултур-гига нисбатан кескин юқориларди. Бу ҳам катта ютуқ деб ўйлайман. Бу йил энг юқори ўттиш балли 215 бўлди. Минтақашуносликда, халқаро иқ-

бойлик, катта капитал — бу билим деб тушунилади. Билимиз бугунги кунда бозор иқтисодиётини ҳам, ишлаб чиқаришни ҳам ривожлантириб бўлмайди.

— Бу йил ёшлардан қанча ариза тушган эди, шулардан қанчаси грантга, қанчаси контрактга ўқишга кирди?

— Бу йил контракт билан грант асосида қабул қилинган талабалар орасида тенг ҳуқуқлик бўлиши керак эди. Тахлилларга назар ташласак, бултур контрактга 50—60 балл тўйлаганлар ҳам ўтган эди. Бу йил грант билан ҳуқуқшунослик, халқаро иқтисодиёт, иқтисодиёт, чет тилларга, тиббиёт соҳаларига юқори танлов бўлди. Тарихга 13 та, журналистикада 10; техника соҳаларида ҳам катта ўзгариш бўлди. Мухандисликда ҳам 8—9 бўлди. Контракт ўртасида тафовут жуда ҳам кам бўлди. Грант бўйича энг юқори баллини олдимки, чиққачнинг туғиши билан кейинги одам контракт бўйича кетди. Тафовути жуда минимал. Бу йил тест саволлари жамғармасини 3 баробар қўяйтириб, вариантларни ҳам оши-

Бека

ГУШТНИ ТАОМ ТАЙЁРЛАГАНДА

● Агар газ духовкасида пишаётган гўшт қуйиб кетмасан ёки куруқ бўлиб қолмасин десангиз, духовкага кичикроқ идишда сув қўйиб қўйинг. Ушбу сувдан чиққан буғ гўштининг куруқ бўлиб пишишдан ва қуйиб кетишдан сақлайди.

● Каттиқ гўштни юмшатиш учун уларни пиширишдан олдин сирка, квас ёки қаттиққа солиб қўйинг.

● Мол жигарини пиширишдан олдин уни сутта ботириб олсангиз, у юмшоқ ҳамда лаззатли бўлиб пишади.

● Ўрдак ва гоз гўштини қовурганда лаззатли пўстлоқ ҳосил бўлсин десангиз, уларни пиширишдан аввал ўсимлик ёғи билан мойланг.

● Парракланган гўшт бўлақларини бир хилда пишиш десангиз, уларни трубка ҳолига келтириб қовуринг.

Гулноза АСХАТОВА тайёрлади.

Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос ва мос урф-одатлари, ўзига монанд кўркемликки ана шу кўркемликни бунёд этувчи одамлари бўлади. Маҳалланинг яна бир жиҳати борки, бу ерда ҳеч қимнинг мансаби, ҳунари, миллати, вазифаси суриштирилмайди. Чунки бу масканда одамларни бирдек кўрадилар. Чунки унинг номи маҳалладир. Яна бир эъзозли томони, маҳаллада доим катталар эъзозда, тўй-маъракаларнинг тўрида, кичиклар эса уларнинг хизматларида шай бўлади.

Биз Юнусобод тумани, «Дўстлик» маҳалласида бўлганимизда юқоридаги гапларнинг нақадар тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Анваржон билан Мавлудхон киз чикарганда ҳамма оғзини очиб қолди, — дейди Насриддин ака тўқилганиб, — Ана оқсоқолдан сўранг! Ишонасизми, шу йилгитинг меҳнат дафтарчасини кўриб, хайрон бўлиб қолибман. Дафтарчасига фалон йили ишга кирган, фалон йили ишдан бўшатишган, деб ёзилган. Икки қатор ёзув ҳолос. Қанча ишлабди денг, роппа-роса 30 йил!

— Шундайликка шундайку-я, аммо... — деб бошқини сарак-сарак қилди маҳалла оқсоқоли Саидориди ота Пулатов. — Деворнинг қулоғидан кўркемиз-у, лекин рост: кўз тегишдани... кўркемиз. Ахир бошқа оилаларга нана бўлиб турибди-да! Буларнинг оиласидаги меҳр-оқибат, тотувликка бутун маҳалла ҳавас қилади.


Анвар ака билан кўришганимиздаёқ юзимишга илликлик югурди. Мўмин-қобил, камтар, ҳокисор...

— Оилангиздаги саранжом-саришталанинг қилини нимада, деб ўйлайсиз? — деб саволга тутдик салом-алиқдан сўнг.

— Мавлудхон билан қилган аҳду паймонимизга содиқ қолганимизда, — деб жавоб қилди Анвар ака тортинибгина. — Бундан 23 йил муқаддам 2-Тошкент пойабзал фабрикасида таниш қолган эдик. Мен қосиб, Мавлудхон бугалтер... Ҳаш-паш дегуна, фарзандларимиз ҳам уша ерда йшга тулишди.

— Эшитишимизда фарзандларингизнинг турттовчи ҳам қиз экан...

— Билмадим, мен бундан ҳеч қачон ҳафа бўлган, ўқинган эмасман. Тушунмадим, бунинг нимасидан ҳафа бу



Ўлкамизда олтин куз кезмоқда.

Равиль Альбеков олган сурат.

«Аҳил оила — муқаддас Ватан» танловига

ТЎЁНАГА ТҮЙ БҮЛДИ

лиш керак. Қайтанга яна тўртта ўғлим бор, деб юрарверганман. Қиздир-ўғилдир — фарзанд!

— Катта қизингиз Махбубахонни узатишда қийналмадингизми? Рости айтинг!

— Яратанга минг қатла шукр, ота-она, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, дўст-биродар бор экан, билимданги. Тўй қўтилиб билан ўтди. Янги уйлانган вақтда отам айтган эдилар: «Анваржон, ўғлим, ҳозир ёшсан, ишлаб чарчамайдиган вақтинг. Қариндош-уруғда тўй-маърақа бўлса тўёна қил, ёрдам қил. Хали замон сенинг ҳам бошингга тўй-томоша келадди. Шунда қийналиб қолмайсан». Қаранг, уша пайтда ҳўп деб янгилишмаган эканман. Ишонмайсизми, тўйни бошлаб қўйдигу, игнанинг устиди ўтирибмиз. Юрак қўруғу бесаранжом... Шу пайт кўчада гала-говур эшитилиб, кўёш чиқиб кетгандай бўлди-ку! Оқибатли, меҳр-муруватли халқ эканлигини, урф-одатларимиздаги салимийликни уша пайларда шунақа чуқур ҳис қилдим... Ҳаммаси изига тушиб кетди.

— Қизлар навбатда туришдандир.

— Ҳа, иккинчи қизим Шаҳнозга совчилар қилиб туришибди. Авияция коллежиди ўқияпти. Мухаббатон, Дилнозахонлар ҳозирча мактабда. Кўёш ўлимиз Сирожиддиндан ҳам хурсандимиз. Айтмоқчи, неварра кўрдик. Исми Заънабидин. Мана шуларнинг ҳаммаси бахтимиз, хурсандчилигимиз эмасми? Ўғил-

лар, неваралар кўпайса, қандоқ яхши! Менимча фарзандларни суёб-ардоқламайдиган, фарзандларининг эртаси ҳақида унчалик ҳам қайғурмайдиган оталаргина тўй ҳақида гап очилса ҳомуза тортади-ёв! Биз учун муҳими, биринчи тўй, биринчи синовдан ўтдик-ку!

— Сир бўлмаса ҳозир ахволлар қандай? Маошлар, даромад деганларидек...

— Мен оиладаги баракани саранжом-саришталликда, булар-бўлмасга, исрофгарчиликка йўл қўймайлик деб биламан. Энди оиламиздаги даромадга келсак, мен уч ярим минг сўм, дадаси ўн-ўн бир минг сўм сўм, дадаси маош оладилар. Топганимизни режалар сарфлайсан, — дейди Мавлуда опа.

Маошдан ташқари қўшимча фаолиятлар билан ҳам шуғулланиб турасизларми? Қар ҳолда орзу-хаёсли кишига қанча ишласа, шунча яхши.

— Тўғри айтасиз, меҳнат қилган одам кам бўлмайди. Нима десам экан? Буш вақтларда қизларим билан буюртмага ҳар хил пишириқлар тайёрлаймиз. Фақат ҳар доим эмас. Дадаси устоз ошпазлардан фотиҳа ҳам олганлар. Шунга, маҳалла-қўйда тўй-маърақа бўлса, чакриб келишадди. Ош ва бошқа таомлар тайёрлайдилар. Иш-қилиб, қўлимиздан нима хунар келса бажариб, одамларнинг қорига яраб турганимиздан, қаторига қириб юрганимиздан хурсандимиз албатта. Аммо нолимаймиз. Негаки, меҳнат қилмаган деганга иш кўп, даромад кўп, фақат ҳалоллик, инсоф керак.

«Турмуш ўртоғингиздаги қайси фазилатларни қадрлайсиз?» деган саволигизга Анвар ака: «Саранжом-саришталлигую, меҳрибонлигини, болақонлигую пазандчилигини» деб жавоб бердилар.

Хайрлаша туриб, мўйини-қобил ота, оила бошлиғи Анваржон акага қараб: «Қошиқ эди ана шундай эътиқод, сабру қаноат, эртанги кунда умидворлик ҳисси билан яшайдиганлар сафи кенгайверса, палак ёзса» деган ҳайлга ботдик.

Маъмура РЎЗИЕВА.

Танлов ҳомийси —
Shear-Yoqoch фирмаси.

Яхшилар ёди билан бу дунё тир-сак. Қанчалик уларни эслаб тур-сак, ўзимизнинг қимлигимизни англаб бораверамиз. Керак бўл-са, сўзимизни ҳам ҳада-беҳуда ишлатавермаймиз.

Сўз ҳақида сўз кетар экан, ҳали бирорта зот бу дунёга келиб қанча сўз ишлатганини, шундан қанчаси юракларга малҳам бўлганини, қанчадан-қанчаси, не-нечаси беозор юракларга тигдай сан-чилганини билмасида керак. Чунки унинг ўлчови йўқ. Ўлчаб бориш ҳеч қимга насиб этмаган. Сўз ҳар би-римизни бора-бора беозорлар, дилдорлар сафига қўшиб, ажратиб қўяди. Унинг қўлидан келадигани, доимий ҳукми ана шу.

Ана шулар ҳақида ўйлаганимда дарҳол кўз олдимга атоқли адиб Раҳмат Файзий (жойи жаннатда бўлгур) келаверади. Атоқли деган баҳо баъзиларнинг гашига тегиши турган гап. Бирламчи Раҳмат ака беозор одам эди. Иккиламчи, борлиғи билан ўзбекнинг тимсоли дарахасидаги ҳашш эди. Ҳа, ўзини ҳар қандай майда-чуйадан баянда тутарди. Қийин-қиёна, яйраб юришда, ўзига эътибор билан қарашда Раҳмат ака-да, тараф йўқ эди. Ўзгаришдан ташқари ўзини тутта қилиш учун ҳам у кишини атоқли одам эди дейишга ҳақлиман.

Ҳар гал, «Халқлар дўстлиги» саройи, олдиндан ўтганда болалар ҳайқалчалари қўршовида ўтирган чол тимсолига минглаб ўқинчиларнинг кўзи тушарди. Қандам-кам одам унинг тарихи билан қизиқарди. Негак, авлодлар янгилиниб бормоқда. Шу ўринда олдий бир ҳақиқатни эс-латиб ўтмоқчиман.

Мустиқиллик она еримизни босиб турган босқинчи, бадниятларга қўйилган ҳайқалларни илди-илди-тизи билан қўпориб ташлади. Фақат бугина эмас, қонли инқилоб тўқиб чиқарган, турли усул билан шараф-ҳалқаро қарғишга кетди.

Мен айтган ҳайқалчаларга ҳеч қим теғмади. Босиш у ўзбекнинг, ўзбекларни Ер юзининг анча-мунчасига танитган ҳақиқий тимсол.

Бугунги ўқувчида жиндак изох бериб, фикримни давом эттираман. Қонли инқилоб ҳақида ҳали қўп гаплар айтилади. Менимча иккинчи жаҳон урушига яна ана шу инқилоб те-пасида турганлар сабабчи бўлган. Қонсираб турган тузум янги қон тўкишлар учун баҳона излади. Натижа, якуни бутун дунёга маълум. Узоққа бормайлик, Афғонистон тарихи, тақдир бунга мисол...

Ўтган воқеаларни эслашдан кўз-да тутилган ният: — Мана ўша иккинчи жаҳон урушида энг кўп талафот қўрган, шу билан бирга уруш йўлиларида кечатиқ иттифок деб аталмиш республикаларда яшаган халқларга, оилаларга беминнат бағри-кенглик қўрсатган ўзбек халқи бўлди. Буни тарих, ўзбек оиласида нон-туз билан сиёланган авлод тарихи ҳеч қачон унутолмайди.

Тошкентлик темирчи Шомаҳмудовлар хонадон, бу оиланинг уруш йилларида ўн тўртдан ортиқ турли миллат болаларини бир дастурхон атрофида йиққани, меҳр қўрсатгани ҳақида шўро тузуми даврида анча-мунча бонг урилди. Лекин шўро оиласининг ҳар бири мана шундай меҳрибон, саҳий, дўстлигимизни улғайтирган деб ургу берилди. Қаранг, мисол тарихида Шомаҳмудовлар оиласини ўз максалларида тарғибот қилишди.

Ким қандай талқин қилмасин, темирчи оиласи — ҳақиқий меҳнатқаш, инсонпарвар, болажон ўзбек хона-донни рамзи эди. Ўзбекистон уруш йилларида кимларнинг бошини силамади. Олган битта баҳоси — меҳмондўст бўлди. Ўзбекининг қадри билан ҳеч қимнинг иши бўлмади. Саксонинчи йилларга келиб ўша бизни мактаган кўр тузум қадримизни оёқ ости қилди. Дастурхонимизни босиб ўтди. Бу ҳақоратлар ўзбек эиёлиларини ҳам четлаб ўтмади. Москвадан келган қора қалхатлар ўйинига маҳлиё бўлган, янги қўлларга ўрганган ўзимизнинг сайратмалар ҳам то-пилди. Қора қўзғунлар қаноти остига сув пурқаб туришди. Бадном қилиш теғирмонни айланиб турди. Тош-қил қанчалар, нимадир қутиб, илнж билан яшаганлар Москвадаги қизил майдонга бориб, но-ғора қалиб келишди.

Раҳмат Файзий бу бедодликни кўрганда «Ҳазрати инсон» романини қайта-қайта ёзардим. Гапнинг индолоиси ёзувчининг бу асари ана шу болапарвар Шомаҳмудовлар оиласи ҳақида ёзилган қасида, «Ҳазрати инсон» романи асосида кейин-чалик машҳур «Сен етим эмассан» кинофильми яратилди. Бу фильм фақат ўтган давр учун эмас, «Ўзбек-фильм» киностудиясининг дурдона махсулоти ҳисобланади. Вақти-вақти билан шарҳу баён орқали намойиш қилиб турилса, ёмон бўлмайди.

Раҳмат Файзийнинг ринг, эиёли деб таъриф этдим. Бунга далил Раҳмат ака фильм сценарийсини битчан, унга ном, сарлавҳа қўйишга анча ўйла-нади. Асарининг мазмунини менга «Сен етим эмассан» деб сарлавҳа қўйиб турибди. «Сен етим эмассан» номи шўёр эса устоз Фафур Ғўломни-ки. Ҳазил гапми, бу сарлавҳани даб-дуррустан «Ўзлаштириш». Боз устига бу шўёр Фафур ақанинггина эмас, уруш даври шўёриятининг гўлтоғи ҳисобланади.

Кинофильмининг иш жараёни фурсат қутиб турмайди. Шунда иккила-на-иқкилана, юрак бетлаб Раҳмат ака Фафур Ғўломниқига йўл олади. Дастурхон атрофида қимтининг ўз ниятини айтиди. Фафур ака сафдо-ши, уқасининг бу хайрли ишини қўлаб-қуватлайди.

— Оловур сарлавҳани, — дейди. — Қайтанга шўёримни яна машҳур қиласан-ку.

Фильм ўзбек экранига чиққан, са-фари ўзқоқилди кетади. Роман ҳам, «Сен етим эмассан» киносига ҳам қўп-гина хоржиқ тилларга ағдарилди, намойиш этилади. Раҳмат ақанинг шўхрати ортиб боради. «Ё-ёр» ки-нофильми, «Чўлга қор келди» ки-носига устиди атай таҳаралмайман. Бу асарлар ҳам Раҳмат ақанинг ўз ду-неси эди. Аммо бизнинг авлод дў-несидан Раҳмат Файзий юқоридаги фильмни, романи билан ўрин олган-ди.

Ўз замони тарихини яратган Раҳмат ака билан сафарга чиқш қу-нарлардан бир кунни менга ҳам насиб этди. Қувондим. Менинг яна бир то-моним бор. Кимга йўлдош бўлмай, ким билан суҳбат қурмай, ўшандан



бирор нарса ўрганишга ҳаракат қиламан. Етмишинчи йиллар охирида ҳамзаҳонлик қунари муносабати билан Раҳмат Файзий, Пулат Мўминга қўшилиб, мен ҳам Қашқадарёга бо-радиган бўлдим. Пулат Мўмин энди мен учун ўзимизнинг Пулат ака-да. Устига устак болалар шoirи. Беама-лол гаплашаварман, Раҳмат ақани-

Енамо ТИМСОН ЯРАТГАН АДИБ («Аҳли қалам олами» туркумидан)

нг бўлса ўзидан кўра шўхрати босиб турибди. Ўзгаришларни айтмаю сав-латлари ҳам...

Аэропортда учрашдик. Ўзувчи де-гани Раҳмат акага ўшаб ўзини ту-тиши керак экан. Кишинишларига гап йўқ. Ўзларини тутишлари, гап-сўз-лари, чехраларидан қулгў аралаш-нур ёғилиб туришлари қўзи тушган одамни ўзига қаратмай қўймайди. Пулат ака билан солиштирадиган бўлсам, Пулат ака кечиринсалар у киши Раҳмат ака олдида дарсга ке-чиккан ўқувчиға ўшаб қўридилар. Мени қўяверинг, мен сўнгги партада ўтирган ўқувчи эдим.

Қаршига қараб ўчдик. Раҳмат ака билан Пулат ака учрашгандаёқ ҳа-зил-хўзулни бошлаб юборишди. Чан-дишлар, ўзиб олувчи қочиркилар то Тошкентга қайтиб келгунимизга бир нафас узилмади. Мен (сўнгги пар-тадаги ўқувчи) гоҳида чўчиб қола-ман. Булар гап талашиб, уришиб ке-тишса-я. Бу қарашимни сезган Пу-лат ака менга тушунтирди:

— Сен хайрон бўлма, биз Раҳмат ака билан эски қадрдонимиз. Ҳазил-хўзулимиз орасида баъзиларнинг ҳу-сури устидан қулаямиз.

Тавба дедим ичимда. Исми-ша-рифини айтмай ҳам баъзилар усти-дан қулса бўларкан-да. Шунданма қулса бўлар эканки, асти қўяверинг.

Қашқадарёда бўлганимизда биз ҳозирги Қасби, Нишон туманларида бўлдик. Далаларда, дала шийонла-рида ҳамзаҳонлик кечаларини ўтқа-зди. Демокчи, менинг қасбим — му-бирлик эди. Қаерга бормайлик, мен ён дафтарчамни тўлдириб юрибман. Қарши аэропортга келишимиз бил-лан Раҳмат ақанинг менга топшири-ғи шу бўлди:

— Ука, Тошкентга боришимиз бил-лан бу кеча «Ўзувчилар» пахта да-лаларида» деб катта мақола ёзасиз. Мен устидан қўриб бераман. Катта газетлага берамиз. Ука, борган жойингизда из қолдиришга ҳаракат қилинг.

Из қолдириш деган сўз ҳам мен учун бир дарс бўлди.

Ана шу учрашувдан кейин Раҳмат ака билан салом-алигимиз қуоқла-шиб қолди. Ўзлаётганимдек мен у ки-шидан нимадир юлиб олишга инти-либ боравердим. Раҳмат ака Ўзув-чилар уюшмаси қотибятида ҳам, йиғинлар минбаридаям бир одам бў-либ ўтирарди. Ҳазил-хўзул, ёрқин та-бассумлар бирдай давом этарди.

На шўхрат, на мартаба абадий эмаслиғи менинг кўз ўнгимда бир кун намойиш бўлди. Таъқилдаб қўйиб бу гапларни фақат Раҳмат Файзий-ни хотирлаш, у кишининг саксонча тўлган йиллари унугина айтганга-мин йўқ. Ўтган қонли тузум яшаган йиллариди ҳусумат, иғво мактабини ҳам яратган эди. Саксонинчи йил-ларда думалоқ хатларга, иғвою қў-тонларга махсус қўрсатма берилди. Марказдан туриб бошқарилиди. Ва-лашим бошланди. «Ўзбеклар иши», «Пахта ишининг ўрани катта эди. Мана шу ташқил қилинган ўрамга Раҳмат Файзий ҳам тушиб қолди. Айниқса, саксон тўртинчи йилдаги машҳур июнь пленумидан кейин Раҳмат ақанинг сўзи кесмай қолди. Дав-ралардан ўзқоқлаша борди.

Бир кун уюшмага келсам, раҳмат-ли Туроб Тўла мени йўқлаб қолди.

— Барно, тез бўл, ҳозир Раҳмат-жон келадди.

Нима гапигини англай олмадим. — Раҳмат Файзий Ким Пен Ҳаа қолхозиға бормоқчи экан. Битта шўр топиб бер деб сым қолди. Уюшмада ишлатган қўп шoirларни айтдим, яна биттаси бор деб туриб олди. Ким экан десам, ўзинг топ деб анча овора қилди. Топа олмадим. Яхшироқ ўйлаб кўр сен билан ёнма-ён хонада ўтирадиди деди. Сафарми десам.

— Ҳа, худди ўшани берасан, — де-ди. Раҳматжоннинг

Бугунги кунда «Ором» номли боғча деса нафакат шахримизда, балки республикамизда ҳам уни билмайдиган одам бўлмас керак. Ушбу болалар маскани эса тобора ривож топиб «Ором» боғча-мактаб мажмуаси макomini олди.

Мажмуага кираверишда ўнг томонда «Алифбо йўли»га кўзингиз тушади. Лотин ҳарфлари плакатларда ўша ҳарф иштирок этган жисмлар сурати билан берилган. Чап томонда эса икки томонига гул экилган йўлка бўлиб волейбол, баскетбол ва футбол ўйингоҳларига, сузиш ҳавзасига чиқиш мумкин. Барча шароитлар муҳайё бўлган ушбу мактабда болажонларнинг ҳар томонлама баркамол ўсишлари асосий мақсад қилиб олинган. «Ором» да айти пайта «Моҳир кўлар», халқ амалий санъати, тасвирий санъат, информатика, бичиштиқиш, қаратз, хореография, мусиқа тарихи каби турли соҳаларга йўналтирилган 20 дан ортиқ тўғараклар ишлаб турибди.

Шахримизда маълум соҳага йўналтирилган болалар масканлари анчагина. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам болалар мактабга мақсадли тайёрланмайдиган, уларнинг ҳаммасида ҳам олий ўқув юрлари ўқитувчилари дарс беришмайдиган, уларнинг ҳаммасида ҳам инглиз тили ўқитилмайдиган, уларнинг ҳаммасида ҳам биринчи синфга тест синовлари орқали қабул қилинмайдиган. Таълим-тарбия жараёнида компьютерлардан кенг фойдаланилади, болалар бу техника воситаларининг «тили»ни яхши билишади.

— Ушбу мажмуанинг ташкил топиши давр тақозосидир, — дейди мажмуа директори, «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Гулнора Кучқорова. — Мақсад — узлуксиз

таълим тизими асосида кичкинтойларни мактабга тайёрлашдир. Бунда бизга «Мактабгача тарбия тизими»га давлат талаблари», «Болаларни мактабга тайёрлаш», «Мактабгача тарбия низоми» каби ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилмоқда. Давр талабини чуқур ҳис этган ҳолда ҳуқуқий, иқтисодий, эстетик, тилшунос-

жолотларда, шунингдек Тошкент давлат университети, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети, Педагогика университети, Шарқшунослик институти каби олий даргоҳларнинг Ҳабиб Гафуров, Хусан Турсунов, Шахноза Халилова, Мақсуд Нурматов, Борий Нигмонов каби муаллимлари фаолият кўрсатишади.

ши ўзлаштиришган, шунингдек инглиз тилида саволларга жавоб бера олишда, оддий иқтисодий тушунчаларни ҳам эгаллашган. Инглиз тили бўйича ўзини кўрсатган Темура Холқов «Истеъдод» маркази йўланмаси билан Англияда ҳам бўлиб қайтди.

Таълим-тарбия мажмуасининг «Ором» вокал-хореографик дастаси ҳақида эшитмаган одам бўлмас керак. Кримда бўлиб ўтган «Кувноқ ноталар» фестивали мамлакатимиздаги турли байрамлардаги чиқишлари уни машҳур қилди. Бунда «Ором» директори билан бирга мусиқа раҳбари Моҳира Маҳмудова ҳамда тарбиячи Зухра Мусаваларнинг хизмати катта.

«Ором»даги намунали таълим-тарбия дарағини эшитган ота-оналар ўз фарзандларини шу мактабга беришга шоянмоқдалар. Чунки бу ерда бола кун бўйи мазмунли дамларни кечиради, турт маҳал овқатланади, тўғаракларга қатнашади. Тўғри, қўшимча таълим учун пул туланади. Лекин илмий мудир Дилором Асадованинг айтишича, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун таълим бепул. Улар «Ором»да жами 23 та. Агар оиладаги фарзанд шу ерда тарбияланса, уларнинг учинчиси учун ҳам пул олинмайдиган. Бу ҳол «Таълим тизими»даги Конунининг 42-моддасида кўрсатилган.

«Ором» боғча-мактаб мажмуаси ҳовлисида болалар чўғур-чўғури янграмоқда. Тезда улар дарсга — шинам синфхоналарига кириб кетишади. «Ором»нинг навбатдаги кўни — болалар учун оромбахш дамлар давом этади.

Абдумалик АБДУРАХМОНОВ. СУРАТЛАРДА: «Ором» боғча-мактаб мажмуаси ҳаётидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.



«ОРОМ»ДАГИ ОРОМБАХШ ДАМЛАР

лик, жисмоний тарбия йўналишларида ишлаяпмиз. Бунда масканимизда ўз касбининг устаси бўлган, бола интилиши, лаёқатини тез англаб, унинг дунёқарашини тўғри шакллантириб оладиган тарбиячи ва ўқитувчилар меҳнат қилишмоқда. Улар қаторида Дилором Асадова, Гули Орипова, Лутфия Тиллаева, Фарида Илбосова, Малика Муслимова, Мухаббат Алимова, Маъсума Қосимхўжаева, Дилбар Аъзамова, Зарифа Иброҳимова ва бошқаларни санаш мумкин. Маш-

«Ором» мажмуасида тарбияланувчиларнинг фикрлаш қобилияти ва хотирасини ўстириш йўлида турли услублардан фойдаланилади. Жумладан, «Тирик табиат алифбоси» шеър ва топшиқларда, «Стол театри», «Ердаги ҳаёт», «Қурбанининг саргузаштлари» каби болаларнинг ақлий салоҳиятини юксалтирилади. Бунинг натижасида кичкинтойлар жисмлари ўзаро таққослаш, фарқларни ўрганишади. Каттароқ ёшдаги болалар эса математик ҳисобларни ях-



Анчадан бери кўзга қаршида туриб, турли гулдор матолардан тикланган кўйлақларнинг гоҳ унисини, гоҳ бунисини кийиб кўраётган Латофат охиригисини чамалаб кўрди-ю, кўнгли бироз таскин топди. Ўзини кўзгуга солганича бир зум ҳаёл суриб қолди...

Яқиндагина ўзига лоппа-лойик, ҳуснига-ҳусн кўшиб турадиган бу кўйлагига ҳам худди қоқ белидан тарс ёрилиб кетадигандай торлик қилиб... Туташ қошлари чимирилиб, қалин киприклари орасидан кўз ёшлари сизилиб, кўксига тома бошлади. Ён хонанинг очик эшигидан қизига маънос боккиб турган Муфассал опанинг ичидан бир нима узилиб кетгандек бўлди... «Сенга нима бўлди, қизим?! Алдандингми? Ё бировни севиб қолдингми? Сени, муҳаббат... Ажаб! Бу ноёб туйғу нечун шунчалар изтиробли бўлсайкин? Йўқ, йўқ, бу ҳақиқий севиб бўлмас керак! Ҳақиқий севи...»

Она кўзга қаршида ҳайкалдек қотиб қолган қизига синчковлик билан назар солди. «Вой, шўрим! Қизим алданибди! Ҳа, ҳа, алданибди, болагинам! У ҳомилдор!..» Бир кўнгли қизининг сочларидан тортиқлаб: «Нима қилиб қўйдинг, нодон қиз? Шармандаю шармисор қилдингку мени, ланъати! Бор энди, ҳаромингни қаердан топган бўлсанг, ўзинг ҳам ўша ерга йўқол!» дермоқчи бўлди-ю, аммо бирдан қўлоғи бўшашиб, тиззалари қалтиради, қизининг ёнига яқинлашишга журъат этолмай қолди. Бусиз ҳам қизининг қайғуси ўзига етарли эканини оналик қалби билан сезиб, индамай қолаверди. Она ҳарқалай она-да! Қайси она ўз фарзандининг ҳолатини тушунамайди? Борди-ю, ҳозир унинг устига ташланса, қизи номус кучи билан боқиб оққан томонга кетиб қолса, ё ўзини бир нарса қилиб қўйса... Унда нима бўлади?! Ахир унинг шу бит-

тагина қизидан бошқа ким бор?! «Э-воҳ! Қайси гуноҳларим учун бу?! Шунча чеккан азиятларим озлик қилганимди?!»

... Муфассал онасидан жуда эрта жудо бўлди.

Турмуш қоррақалариди

ТОПТАЛГАН МУҲАББАТ

Онаси ўлгандан кейин беш-олти ой ўтгач, отаси бошқа хотинга ўйланди. Ўғай онанинг у билан мутлоқ иши йўқ эди. Ўғай она ўғил кўргач, бола парвариши ёш қизча зиммасига юкланди. У бошқа болаларга ўхшаб на кўчада ўйнар ва на тўйиб уларди. Бу етмаганди, отаси ҳам тўсатдан фалокатга учраб, вафот қилди. Ўғай она икки яшар ўғилчасини қўлига, эрга тегиб кетди. Муфассал ҳолатининг қўлида қолди. У шу оилада ўсди, мактабни битиргач, институтга кирди. Иккинчи курсга ўтганда ҳолатининг таниши бўлмиш институтнинг охириги курси талабаси бир йилгити севиб қолди, камтаргина тўй қилишди. Муфассал ўзини жуда бахтли ҳисоблар, ҳаётдан жуда мамнун эди. Чунки эри Шерзод кўнгличан, ширинсўз йилгити эди. Ҳам ота, ҳам она, ҳам ёр муҳаббат — ҳамма-ҳаммасини Шерзод акасида кўрди. Бирок келин-куёвнинг бахтдан сархушликлари, ҳаётдан ҳушқўдликлари узоққа бормади. Эри оғир хасталикка чалиниб, бир неча кун касалхонада ётди-ю, вафот этди. Муфассалнинг бутун кўрган-кечирган бахтли кўнлари — Шерзод акаси билан ўтказган беш-олти ойлик масъуд дамларига хотираси-

дийкин?! Ким унинг бахтига завоқ бўлди? Уни ерга қаратиб, бағрини тилка-пори қилган ноинсоф ким бўлдикин?

Муфассал секин бориб, қизининг елкасига қўлини қўйди. Латофат ҳушёр тортиб, ҳорғин кўзларини онасига тикди. Унинг боқибди қалбидида изтиробни шундоққина акс эттириб турарди. «Елғизгина қизим шу қўйга тушса-ю мен беҳабар қолсам», дилидан ўтказди она борлиги ўртаниб.

— Бу бало сенга қайдан ёпишди болам? — ҳорғин овоз билан гап бошлади она.

— Ҳозир сизга ҳеч нарса айтолмайман, ойижон, ҳеч нарса сураманг мендан! Ҳеч нарса билмайман!

— Нега билмайсан, ахир?! Бу — шунчаки, жўнгина дард эмаски, ҳатто ўз онангдан ҳам яширмоқчи бўлсанг... Ахир бу...

«Боланинг бу аҳволга тушишига ўзим айбдорман. Иш деб, тирикчилик деб ундан бепарво қолдима», — деярди дилида ўзига-ўзи. Эҳтимол шундайдир?.. Она эмасми, кўнгли юмшоқлик қилибми ё иши қўлғидиганими, қизига етарли эътибор бермай қўйган бўлса керак! Унга ўзига ишонгандек ишонгандир балки?! Лекин...

Муфассал она қизининг феъл-атвори, кайфияти ўз-

гариб бораётганини озми-кўпми билардию, лекин: «Қизимнинг дарслари кўп, институтда ўқишнинг ўзи бўладими?» дея кўнглига тушган шубҳаларни қўвишга интиларди.

Ота-оналар ҳам ҳар хил бўлишади. Баъзилари болаларини, хусусан қизларини вақти-бемаҳал осто-на хатлаб кўчага чиқишига йўл қўймайдилар, баъзилари эса бошқача йўл тутадилар, яъни болалари ярим кечагача гоҳ унда, гоҳ бунда ўзларига ўхшаш бекорчи ўртоқлари билан таралла-бедрод қилиб юрсалар ҳам парво қилмайдилар. Муфассал опа бола тарбиясида бу ҳар иккала йўлни ҳам хато ҳисобларди. Шунга кўра у Латофатни унчалик қаттиқ ҳам ушламас, ўз ихтиёрига ҳам қўйиб қўймасди. Унинг етук ёшани, ақли-хушлигини ҳисобга олиб, бўйи етган қизлар билан қандай муносабатда бўлиш лозим бўлса, шундай муомала қиларди. Мана бугун эса она қалбидида оғриқ-умид, ишончдан асар ҳам қолмади. Нима қилсин?! Дардини яширсанг, иситмаси ширқ қилади», — деганларидай, бугунча изтиробларим сир эртага ҳаммага ошкор бўлиши табиий ҳол. Она шўрлик бу гапни қандай ҳазм қилади, одамларнинг юзига қандай қарайди? Нима деб жавоб қилади, уларга?! Латофат ўзининг ҳозирги ҳолатини, онасидан эшитган нордон гапларини бир лаҳза унуттиси келди. «Қизик! Одам ўзи билиб-билмай ноҳўя қадам ташлаб қўяди кейин унинг сабабларини қидириб қолади. Эҳ, қани энди чекаётган изтиробларим туш бўлса-ю, бирдан уйғониб кетиб, даҳшатли воқеаларни унутсам. Бир вақтлар қандай бахтли эдим-а! Энди-чи? Афсус, энди буларнинг бариси ўтмишга айланиб қолди», — дилдан кечирди Латофат оғир тин олиб.

Маъмура РИЗАЕВА.

ХАНДАЛАР

— Дўхтир, сизнингча, ҳар қандай кўзқоринини еса бўларкан-да, шундайми?

— Ҳа, албатта. Фақат... айримларини бир марта ейсиз холос.

Гангстер купега кириб, йўловчига ўшқирди:

— Бор-будингни чиқар! Тез бўл!

— Менда сариқ чақаям йўқ.

— Унда нега чўнтагингни кавлаясан?

— Сизни кондуктор деб ўйлабман...

Бир йўловчи вагон-ресторанда овқатланиб бўлгандан сўнг, купесини қайтиб тополмади.

— Купе рақами наҳотки ёдингизда қолмаган бўлса? — таажжубланиб вагон оғаси.

— Рақами эсимда йўқ, аммо деразадан қарағайзор кўриниб турарди.

— Эрта тонгда уйга қайтсам, хотиним уйимизга ярим кечаси ўғри тушди, деса бўладими...

— Ўғрини ушлабдими?

— Йўқ, уни касалхонага олиб кетишибди. Хотиним, ўғрини эрим деб ўйлаб тоза кўнни кўрсатибди.

Эшитишимча, хотинингга карта ўйинини ўргатаётганмишсан, шундайми?

— Ҳа, ишонсанг, бу жуда яхши натижа берапти.

— Бу нима деганинг?

— Шу десанг, ўтган шанба уйга келтирган маошнинг нақ ярмини ютиб олсам...

— Даволашниш учун шунча тўлашим керакми? Жуда қиммат-ку, дўхтир.

— Нима ҳам дердим, унда ҳов анави ҳамкасбимга мурожаат қила қўлинг.

— Нима, у бепул даволайдими?

— Йўқ, у билан беморнинг меросхўрлари ҳисоб-китоб қилишади.

Қуён қаҳвахонага кириб, қаҳва ва булочка олди. Қўлини ювиб, қайтиб келса, қаҳва жойида йўқ.

— Қаҳвамни ким ичди? — сўради у.

Ҳайвонлардан садо чиқмади.

— Қайта сўраяман, ким ичди?

Шунда айқ ўрнидан туриб дўриллаб деди:

— Мен ичдим!

— А-а... булочкани нега емадингиз?

Немисчадан

Мирзаали АКБАРОВ таржимаси.

Саломатлик

ХАСТАЛИКНИ ЧЕКИНТИРИШ Йўллари

Бугунги кунда сариқ касаллигининг олдини олиш масаласи барчаннинг олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади, — деди 25-оилавий поликлиника бош шифокори Гузэл Қодирова. — Шу сабабли ҳам бу иш билан фақатгина тиббиёт ходими ёки санитария-эпидемиология станцияси ходимларининггина шугулланиши етарли бўлмайди. Хасталикни имкон қадар келтириб чиқармаслик, агарда касалликка чалинган бемор аниқ-

ланса, касаллик вирусларини соғлом танга юктирмаслик ҳаракатида бўлимоқ даркор. Бунинг учун эса мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида ҳар доим болани қабул қилиб олишда унинг саломатлигининг қай даражада эканлигига аҳамият бермоқ керак. Шунингдек, дарс ҳамда машғулотлардан олдин беш дақиқа саломатлик дақиқасининг

ўтказилиши ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

Дарҳақиқат, агарда нафақат мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида, балки барча ташкилотларда санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилинса, вирусли гепатит хасталигига чалинишининг олди олинади. Бинобарин, касалликни даволагандан кўра унинг олдини олиш барчамизга ҳам моддий, ҳам маънавий фойда келтиради. Шу билан бир қаторда бу касаллик қолдирадиган асоратга ҳеч ким урмайди.

Нигора НАЗАРОВА.

Бош муҳаррир Уринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ОЛТИН КАЛИТ»

бўюм лотереяси тўртинчи тиражи йўтқларининг расмий жадвали

Тошкент шаҳар, 1998 йил 15 октябрь

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан таъсис этилган «Олтин калит» лотереясининг тўртинчи тиражиди умумий миқдори 4.215.780 сўмлик йўтқлар ўйналиб, қўйидаги лотерей билетларининг эгалари замонавий автомобил соҳиблари бўладилар:

Йўтқ чиққан билет серияси	Йўтқ чиққан билет тартиб рақами	Йўтқ номи	Йўтқнинг қиймати (сўм)
027	000186	«ТИКО» автомобили	564990
022	000028	«ТИКО» автомобили	564990
078	000007	«ТИКО» автомобили	564990
073	000011	«ТИКО» автомобили	564990
052	000085	«НЕКСИЯ» автомобили	1147120
026	000056	«ДАМАС» автомобили	808700



Йўтқ чиққан лотерея билетлари ушбу тираж ўтказилган санадан бошлаб тўрт ой мобайнида Тошкент шаҳар, Виктор Мажлис қўчаси, 3-уй манзил бўйича Лотерейлар ташкил қилиш бошқармаси томонидан тегишли йўтқларни тўлашга қабул қилинади.

Ушбу тиражда йўтқ чиқмаган лотерей билетларини ташлаб беришга шоянмоқдан ва асло руҳини ташлаб беришга шоянмоқдан қўшимча тарзда ўтказилади «Омад тиражи»да барча йўтқсиз билетлар қатнашади ва Сиз қимматбахо йўтқ эгаси бўлишингиз имконини текшириб.

Тираж ҳайъати раиси

Тираж ҳайъатининг масъул котиби

Х. А. Ибрагимов

Р. Р. Каримов



Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таълимларни, таваллуд қўнларни, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, ҳикоя эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларидида ёртади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,

32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

«Тошкент оқшом» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими Равшан Бобомухамедовга онаси

Коммлаҳон ая ТЕМУРЖОН қизининг вафот этганини муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ХОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, торшанба
ва ҳуна
қўнлари чиқади.
Намр кўрсаткичи
209

Нашри етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.